

БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ

(2022 йил якуни бўйича)

КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ПРУДЕНЦИАЛ НАЗОРАТИ ДЕПАРТАМЕНТИ

Кредитлаш ва кредит портфели сифати

Банклар томонидан 2022 йил давомида **203 трлн сўм** миқдорда ёки ўтган йилга нисбатан **22 фоиз** ортиқ кредитлар ажратилган.


Мазкур кредитларнинг **68 фоизи** (137,8 трлн сўм) корпоратив ва **32 фоизи** (65,3 трлн сўм) аҳолига ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади (1-диаграмма).

Корпоратив кредитларнинг **37 фоизи** (ёки 51 трлн сўмини) айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган револьвер кредитлардир.

Шунингдек, ажратилган кредитларнинг 31 фоизи қисқа муддатли ва 69 фоизи узоқ муддатли, валюталар қирқимида эса 65 фоиз кредитлар миллий валютада ва 35 фоиз хорижий валютадаги кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Мазкур даврда тижорат банклари томонидан **136 трлн сўмлик** кредитлар сўндирилган бўлиб, қайтувчанлик даражаси **67 фоизни** ташкил этган.

1-диаграмма



Банкларнинг жами кредит қўйилмалари қолдиғи 2023 йил 1 январь ҳолатига **390 трлн сўмни** ташкил этиб, уларнинг **74 фоизи** корпоратив кредитлар, **26 фоизи** чакана кредитлар ҳиссасига тўғри келади (2-диаграмма).


Жами кредит портфели қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **20 фоизга** ёки 63,7 трлн сўмга, хусусан, корпоратив кредитлар **13 фоизга** (32,2 трлн сўм) ва аҳоли кредитлари **45 фоизга** (31,5 трлн сўм) ўсган¹.

Аҳолига ажратилган кредитлар таркибида автокредитлар **10,9 трлн сўмга** (2021 йилга нисбатан 2 баробарга), ипотека кредитлари

¹ ХВЖ "Пул-кредит статистикаси" методологияси бўйича жами кредит қўйилмалари **21,4 фоизга**, аҳоли кредитлари **45,2 фоизга** ўсган.

10,6 трлн сўм (30 фоизга) ва микроқарзлар 6,2 трлн сўмга (1,7 баробарга) ўсган.

2-диаграмма




Маълумот учун: кредит портфелининг йиллик энг юқори ўсиши 2022 йилнинг 1 апрель ҳолатида (20 фоиз) кузатилган бўлиб, бунда миллий ва хорижий валютадаги кредитлар 20 фоизга ошган.

Валюталар қирқимида кредит портфелининг 2022 йилда ўсиши миллий валютада 25 фоизни ташкил этган бўлса, хорижий валютадаги кредит портфели 14 фоизга ўсган.

Бугунги кунда, банкларнинг жами кредит портфелининг долларлашув даражаси 47 фоизни ташкил этиб, 2022 йил бошига нисбатан 3 фоиз бандга пасайган² (3-диаграмма).

Мазкур ҳолат, хорижий валютадаги кредитларнинг қайтувчанлик даражасининг 63 фоиздан 69 фоизгача ошганлиги ҳамда 2022 йилда банклар томонидан ажратилган кредитлар таркибида хорижий валютадаги кредитлар улуши 39 фоиздан 35 фоизгача пасайганлиги билан изоҳланади.

3-диаграмма




Кредит портфели сифати

Банк тизимида муаммоли кредитлар (NPL) улуши 2023 йил 1 январь ҳолатига 3,6 фоизни (14 трлн сўм) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 фоиз бандга пасайган.

2 ХВЖ "Пул-кредит статистикаси" методологияси бўйича кредитлар долларлашуви 45,6 фоизга тенг бўлган.

Бунда, корпоратив кредитларнинг NPL қисми 2022 йилда **1,3 фоиз** бандга пасайиб, **3,5 фоизни**, чакана кредитларда эса **3 фоиз** бандга пасайиб, **3,8 фоизни** ташкил этган (4-диаграмма).


4-диаграмма



Валюталар қирқимида NPLнинг 67 фоизини **миллий валютадаги** ва 33 фоизини **хорижий валютадаги** кредитлар ташкил этса, мижозлар қирқимида 28 фоизи **жисмоний шахслар** ва 72 фоизи **корпоратив мижозлар** ҳиссасига тўғри келади (5-диаграмма).


Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларда NPL улуши ипотека кредитлари бўйича **22 фоизни** (838 млрд сўм), истеъмол кредитларида **10 фоизни** (368 млрд сўм) ва микроқарзларда **7 фоизни** (285 млрд сўм) ташкил этди.

5-диаграмма




Кредит қўйилмаларида NPL улуши **тармоқлар қирқимида** уй-жой коммунал хизмат кўрсатишда **11,3 фоиз**, қурилиш соҳасида **8,0 фоиз**, савдо ва умумий хизмат соҳасида **6,2 фоиз**, қишлоқ хўжалигида **3,8 фоиз**, саноат соҳасида **3,0 фоиз** даражасида шаклланган (6-диаграмма).

6-диаграмма



Тижорат банклари кредит портфелидаги NPLнинг улуши бўйича гуруҳланганда **17 та банкда** 0,1 дан 3 фоизгача (банк тизими жами активларида улуши 64 фоиз), **6 та банкда** 3,1 дан 5 фоизгача (28 фоиз) бўлса, **6 та банкда** 5,1 фоиздан юқори бўлиб, уларнинг жами активлардаги улуши 7 фоизни ташкил этади (7-диаграмма).

7-диаграмма




Кредит хатарларининг банклар молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсирини юмшатиш мақсадларида банклар томонидан шакллантирилган жами захиралар қолдиғи 2022 йилда **17 фоизга** ошиб, **14,3 трлн сўмга** етган.

Банкларда муаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш даражаси 30 фоиз бандга ошиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига **102 фоиз** доирасида шакллантирилган.

Соф NPL³нинг капиталга нисбати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,6 фоиз** бандга камайиб, **9,4 фоизни** ташкил этади (8-диаграмма).

8-диаграмма




Ликвидлилик

2023 йил 1 январь ҳолатига банкларнинг жами депозитлари қолдиғи **217 трлн сўмни** ташкил этиб, уларнинг **29 фоизи** аҳоли ва **71 фоизи** юридик шахслар маблағлари ҳисобидан шакллантирилган (9-диаграмма).


Жами депозитлар қолдиғи 2022 йилда **61 трлн сўм** ёки **39 фоизга** ўсган ҳолда, уларнинг жами мажбуриятлардаги улуши ушбу даврда 42 фоиздан **45 фоизгача** ошган

³Захиралар чегирилган ҳолда NPL қолдиғи

9-диаграмма



10-диаграмма




Депозитларнинг долларлашув даражаси 2023 йил 1 январь ҳолатига **39 фоизни**, шундан юридик шахслар депозитлари бўйича **40 фоизни** ҳамда жисмоний шахслар депозитлари бўйича эса **37 фоизни** ташкил этган⁴ (10-диаграмма).

Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,7 фоиз** бандга ошиб, ҳисобот санасига **19,4 фоизга** ёки **104 трлн сўмга** етган (11-диаграмма).

⁴ ХВЖ "Пул-кредит статистикаси" методологияси бўйича 2022 йил якуни бўйича депозитлар долларлашуви **34 фоизга** тенг бўлган.


11-диаграмма



Банкларнинг ликвидлилик буферлари асосан мижозларнинг депозит маблағлари ўсиши ҳисобига юз берган.


Банкларнинг қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи – ликвидлиқни қоплаш меъёри коэффициенти (LCR) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **22 фоиз** бандга ўсиб, **212 фоизга** етган. Бунда, банкларнинг 30 кундаги соф чиқимлари **21 фоизга** ўсган бўлса, юқори ликвидли активлар суммаси **37 фоизга** ўсган (12-диаграмма).

12-диаграмма



Шунингдек, банкнинг узоқ муддатли ликвидлиқ кўрсаткичи – соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,2 фоиз** бандга ошиб, **116 фоизни** ташкил қилган (13-диаграмма).

13-диаграмма




Рентабеллик кўрсаткичлари

2022 йил якуни бўйича тижорат банкларида соф фойда **10 трлн** сўмни ташкил этган.

Бунда, банклар томонидан 2022 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида **95 трлн** сўм миқдоридан **даромадлар** олиниб, **85 трлн** сўмлик **харажатлар** амалга оширилган.

Натижада, капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичи **13,3 фоиз**, активлар рентабеллиги (ROA) эса **2,5 фоиз** даражасида шаклланган (*14-диаграмма*).

14-диаграмма



Операцион самарадорлик кўрсаткичи (CIR) – банк операция фаолияти самарадорлигини баҳоловчи

кўрсаткичлардан бири бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг халқаро амалиётда мақбул даражаси 50 % атрофида қабул қилинган бўлиб, ушбу кўрсаткич **банк тизимида 33 фоизни** ташкил этган.

Бунда, тизимнинг **операцион харажатлари 15 трлн** сўмни ҳамда **операцион даромадлари** (соф фоизли ва фоизсиз даромадлар) **46 трлн** сўмни ташкил қилган (*15-диаграмма*).

15-диаграмма

